



ТОШКЕНТ ХАҚИҚАТИ

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

2007 йил
31 август
ЖУМА
№ 71
(11.978)

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

Эркин нархда сотилади

ЎЗБЕКИСТОННИНГ 16 ЙИЛЛИК МУСТАҚИЛ ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИ

БОШ МАҚСАД — ВАТАН РАВНАҚИ ВА ХАЛҚ ФАРОВОНЛИГИ

Президент Ислам Каримов 30 август куни "Ўзэкспомарказ" да ташкил этилган "Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган" кўргазма экспозициялари билан танишди.

Мамлакатимизда Президент Ислам Каримов раҳнамолигида иқтисодий ва модернизация қилиш, хориж инвестициясини ўзлаштиришнинг юқори суръатларини таъминлаш, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни, фермерлик ҳаракатини янада ривожлантириш, аҳолини иш билан таъминлаш ва дерамадини юксалтириш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли ишчи-ислохотлар ўз самараларини бермоқда. 2007 йилнинг биринчи ярмида мамлакатимизда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши 9,7 фоизни ташкил этгани, саноат ишлаб чиқариш ҳақми 11,6 фоизга, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш — 19, пуллик хизматлар — 25,1 фоизга ўсгани, маҳсулот экспорти 39 фоизга ошгани бу борада қўлга киритилаётган улкан ютуқлардан яна бир далолатдир.

Ушбу кўрсаткичларнинг амалдаги ифодасига пойтахтимиздаги "Ўзэкспомарказ" да намойиш этилаётган Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг аъёнавий кўргазмасида гувоҳ бўлиш мумкин. Кўргазманинг ўзига хос жиҳати шундаки, бу ерда юқори технологиялар асосида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар намойишига кенг ўрин берилган. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 30 август куни "Ўзэкспомарказ" да бўлиб, бу ерда амалга оширилган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан танишди, кўргазма экспозицияларини кўздан кечириди.

Умумий майдони 48 гектарни ташкил этадиган "Ўзэкспомарказ" қисқа муддатда амалга оширилган бунёдкорлик ишларидан сўнг истироҳат боғлари, теннис корти, кўргазма павильонларини ўз ичига олган яхлит мажмуага айланди. Эндликда бу ерда йилга ўтизга яқин махсус, халқаро ва аъёнавий кўргазмалар ташкил этиш мумкин.

Президентимиз дастлаб мамлакатимиз иқтисодиётида етакчи тармок ҳисобланган автомобилсозлик саноати маҳсулотлари билан танишди. Асададаги "ЎЗДЭАВТО" акциядорлик жамиятида ишлаб чиқарилаётган "Ластетти", "Нексиа", "Матиз" ва "Дамас" русумли автомобилларга нафақат мамлакатимизда, балки хорижда ҳам талаб катта. Шу боис қорхонада маҳсулот ишлаб чиқариш ҳақми йилдан-йилга ошмоқда. Хусусан, 2006 йилда 140 мингдан зиёд автомобил ишлаб чиқарилган бўлса, жорий йилда бу кўрсаткич 170 мингдан ошishi кутулимоқда. Қорхона 2008 йили тула қувват билан ишлаб бoшлагач, йилга 200 минг даногача автомобил ишлаб чиқарилади.

Самарқанд автомобил заводидида ишлаб чиқарилаётган "Исузу" автобусларини бугун мамлакатимизнинг барча шаҳар ва қишлоқлари йўлларидида учратиш мумкин. Йўловчиларга хизмат кўрсатишни янада яхшилашга хизмат қиладиган ушбу автобуслар ҳам қўриниши, ҳам техник имкониятлари билан қўпчилиқнинг эътиборини тортимоқда.

— Халқимизда минг марришнинг юқори суръатларини таъминлаш, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни, фермерлик ҳаракатини янада ривожлантириш, аҳолини иш билан таъминлаш ва дерамадини юксалтириш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли ишчи-ислохотлар ўз самараларини бермоқда. 2007 йилнинг биринчи ярмида мамлакатимизда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши 9,7 фоизни ташкил этгани, саноат ишлаб чиқариш ҳақми 11,6 фоизга, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш — 19, пуллик хизматлар — 25,1 фоизга ўсгани, маҳсулот экспорти 39 фоизга ошгани бу борада қўлга киритилаётган улкан ютуқлардан яна бир далолатдир.

Ушбу кўрсаткичларнинг амалдаги ифодасига пойтахтимиздаги "Ўзэкспомарказ" да бўлиб, бу ерда амалга оширилган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан танишди, кўргазма экспозицияларини кўздан кечириди. Умумий майдони 48 гектарни ташкил этадиган "Ўзэкспомарказ" қисқа муддатда амалга оширилган бунёдкорлик ишларидан сўнг истироҳат боғлари, теннис корти, кўргазма павильонларини ўз ичига олган яхлит мажмуага айланди. Эндликда бу ерда йилга ўтизга яқин махсус, халқаро ва аъёнавий кўргазмалар ташкил этиш мумкин.

Президентимиз дастлаб мамлакатимиз иқтисодиётида етакчи тармок ҳисобланган автомобилсозлик саноати маҳсулотлари билан танишди. Асададаги "ЎЗДЭАВТО" акциядорлик жамиятида ишлаб чиқарилаётган "Ластетти", "Нексиа", "Матиз" ва "Дамас" русумли автомобилларга нафақат мамлакатимизда, балки хорижда ҳам талаб катта. Шу боис қорхонада маҳсулот ишлаб чиқариш ҳақми йилдан-йилга ошмоқда. Хусусан, 2006 йилда 140 мингдан зиёд автомобил ишлаб чиқарилган бўлса, жорий йилда бу кўрсаткич 170 мингдан ошishi кутулимоқда. Қорхона 2008 йили тула қувват билан ишлаб бoшлагач, йилга 200 минг даногача автомобил ишлаб чиқарилади.

Самарқанд автомобил заводидида ишлаб чиқарилаётган "Исузу" автобусларини бугун мамлакатимизнинг барча шаҳар ва қишлоқлари йўлларидида учратиш мумкин. Йўловчиларга хизмат кўрсатишни янада яхшилашга хизмат қиладиган ушбу автобуслар ҳам қўриниши, ҳам техник имкониятлари билан қўпчилиқнинг эътиборини тортимоқда.

— Халқимизда минг марришнинг юқори суръатларини таъминлаш, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни, фермерлик ҳаракатини янада ривожлантириш, аҳолини иш билан таъминлаш ва дерамадини юксалтириш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли ишчи-ислохотлар ўз самараларини бермоқда. 2007 йилнинг биринчи ярмида мамлакатимизда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши 9,7 фоизни ташкил этгани, саноат ишлаб чиқариш ҳақми 11,6 фоизга, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш — 19, пуллик хизматлар — 25,1 фоизга ўсгани, маҳсулот экспорти 39 фоизга ошгани бу борада қўлга киритилаётган улкан ютуқлардан яна бир далолатдир.

Воҳид ЛУҚМОНОВ,
ЎЗА мухбири.



Президент Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент Девонининг Ўзбекистон мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланган қўшма мажлисидаги маърузаси

Мухтарам дўстлар!

Шу кунларда халқимиз Ватанимиз мустақиллигининг 16 йиллик қўлтуғ санасини кенг миқёсда нишонлаш учун катта ҳозирлик кўрмоқда. Барчамиз учун ҳақиқатан ҳам энг улуг, энг азиз бўлган бу байрам арафасида ўтган давр мобайнида босиб ўтган мураккаб йўлимизга яна бир бор назар ташлаб, мустақил тараққиётимиз давомида амалга оширган ишларимиз, эришган натижаларимизни холисона баҳолаш ва уларнинг моҳияти ва аҳамиятини кенг жамоатчилик, бутун халқимизнинг эътибори ва онгу шуурига етказиш мақсадга мувофиқ, деб ўйлайман.

Албатта, юртимизда яшаётган ҳар бир фуқаро ана шу ишларга ўз баҳосини бериш билан бирга, ҳар қайси инсон ва бутун мамлакат учун ҳаётий муҳим бўлган бошқа масалалар юзасидан ҳам ўзининг танқидий қараш ва фикр-мулоҳазаларини билдиришга тўла ҳақлидир.

Шуни таъкидлаш лозимки, мустақилликка эришиш даври ҳақида, эски тузум инқирозга дучор бўлиб, собиқ иттифок парокандаликка юз тутган бир пайтда мамлакатимизда тобора кескин тус олган сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий вазият, ўзгичиликнинг англаш ва топталган миллий гуруҳимизни тиклашга қаратилган интилиш кучайиб боргани, Ватанимиз мустақиллигини қўлга киритиш қандай шароитда кечгани ҳақида яхлит, ягона ва холис кўз билан қараб баҳо берадиган жиддий таҳлил-тадқиқот ҳозиргача амалда йўлигини афсус билан айтишга тўғри келади.

Ўзбекистон мана шундай таҳликали ва мураккаб вазиятда қандай мақсадларни кўзда тутиб, қандай амалий чора-тадбирларни амалга оширганини, бу ҳаракатларнинг илмий-тарихий, мантикий ва қонуний замини ва омиллари, керак бўлса, истиқлол ўзбек халқига туғфа тариқасида берилмагани — буларнинг барчаси ҳақида ҳар тарафлама чуқур ёритиб ва исботлаб берадиган изланиш ва таҳлил бугунги кунда ҳам ўзининг долзарблиги ва аҳамиятини йўқотмаганини қайд этишимиз зарур.

Республикаимизнинг босиб ўтган мустақил тараққиёт йўли ва олдимизда турган вазифаларнинг маъно-моҳияти ва аҳамияти ҳақида сўз юритганда, бу йўлни алоҳида икки даврга ажратиш тўғри бўлади. Ҳеч шубҳасиз, бу даврларнинг ҳар бири мамлакатимиз тарихида ўзига хос ва ўзига мос муҳим ўрин эгаллайди.

Бугун 16 йил мобайнида бошимиздан кечирган кунлар, ҳафталар, ойларни ана шу нуктага назардан баҳолаб эканмиз, қатъий ишонч билан айтиш мумкинки, **ўтиш даври ва миллий давлатчилик асосларини шакллантириш билан боғлиқ биринчи галдаги ислохот ва ўзгаришларни ўз ичига олган дастлабки босқич — 1991-2000 йиллар мамлакатимиз ва халқимиз ҳаётида улкан из қолдирган ўтиш даври том маънода тарихий аҳамиятга эга бўлган давр бўлди.**

2001 йилдан 2007 йилгача бўлган мuddатни ўз ичига олган иккинчи босқич — фаол демократик янгиланишлар ва мамлакатни модернизация қилиш даври эса иқтисодий-ишчиликни барқарор ривожлантириш, сиёсий ҳаётимизни, қонунчилик, суд-ҳуқуқ тизими ва ижтимоий-гуманитар соҳаларни изчил ислох қилишни таъминлашда **ғоят муҳим роль ўйнаган давр бўлди.**

Биз мустақиллиқнинг илк кунларидан бошлаб ўз умрини ўтаб бўлган эски мустабид совет тизимидан воз кечиб, мамлакатимизда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган очик демократик давлат барпо этиш ва фуқаролик жамиятини шакллантиришга азму қарор қилдик.

Янги давлат ва жамият қуришда амалда ўзини тўла оқлаган қуйидаги беш тамойил асос қилиб олинди:

Биринчидан — иқтисодиётнинг мафқурадан холилиги ва унинг сиёсатдан устунлиги. Бошқача айтганда, аввал иқтисод, кейин сиёсат;

Иккинчидан — давлатнинг ўзи эски тузумдан янги тузумга ўтиш даврида бош ислохотчи бўлиши, яъни унинг мамлакатини давлатчилик, ижтимоий ва иқтисодий соҳаларда янгилашга қаратилган ислохотларнинг ташаббускори бўлиш вазифасини ўз зиммасига олиши;

Учинчидан — қонун устуворлиги ёки барча фуқароларнинг қонун олдида тенглиги;

Тўртинчидан — кучли ижтимоий сиёсатни амалга ошириш, давлатнинг аҳолини ижтимоий очор қатлам ва гуруҳларини қўллаб-қувватлаш борасида масъул бўлиши;

Бешинчидан — ислохотларни босқичма-босқич амалга ошириш, "қок теорияси" деб аталган турли усуллардан воз кечиб, Бошқача айтганда, мамлакат инқилобий йўлдан эмас, балки тадрижий йўлдан ривожланиши керак. Инсоният тарихи шундан гувоҳлик берадики, ҳар қандай инқилобий йўл ҳамisha халққа зулм ва зўравонлик, қон тўкиш ва талафотлар келтирган.

Ушбу тамойиллар авваламбор бизнинг коммунист мафқураддан бутунлай воз кечганимизнинг яққол ифодаси бўлиб, йигирманчи асрнинг 90-йиллари бошидаги реал ҳаётни ўзида ёрқин акс эттирди ва мамлакатимизни ислох этиш бўйича аниқ принципал мақсад ва вазифаларни белгилаб олиш имконини берди.

Биз айнан ана шу тамойиллардан келиб чиққан ҳолда, янги давлат, янги жамият пойдеворини барпо этишга киришдик. Айнан ана шу тамойилларни амалга ошириш зарурати туфайли "Янги уй қурмай туриб, эскисини бузмаган", "Ислохотлар — ислохот учун эмас, аввало инсон учун, унинг манфаатлари учун" деган, бугун қўпчилиққа ёд бўлиб кетган ҳаётий шиорлар пайдо бўлди.

(Давоми 2-, 3-бетларда).

БУЮК ИШЛАР САРҲИСОБИ, ИСТИҚБОЛ РЕЖАЛАРИ

Йигилишда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов "Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли" мавзусида маъруза қилди.

Давлатимиз раҳбари истиқлол йилларида мамлакатимиз, халқимиз босиб ўтган мустақил тараққиёт йўлини батафсил, чуқур таҳлил қилди. Келгусида олдимизда турган вазифаларни аниқ белгиллаб берди.

Йигилишда сўзга чиққан Сенат аъзоси, Ўзбекистон Қарамони, Ўзувчилар уюшмаси раиси А.Орипов, Қонунчилик палатаси депутати З.Ботирова, Қонунчилик палатаси Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси раиси А.Саидов, Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Қонунчилик палатасидаги фракцияси раҳбари А.Рустамов ўтган 16 йил давомида мамлакатимизда Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлида буюк ишлар амалга оширилганини алоҳида таъкидладилар.

ЎЗА.

СУРАТЛАРДА:

Мажлисдан лавҳалар.
Абдувоҳид ТўРАЕВ (ЎЗА) олган суратлар.

31 август — Қатағон қурбонларини ёд этиш куни

УЛАР МАНГУ ТИРИҚДИР

Бугун — арафа. Бешиқдаги гўдақдан тортиб юз ёш билан юзлашган табаррук бобо-момоларимиз учун қўлтуғ кун. Эртага ҳаммамиз учун энг улуг, энг азиз байрам — келажаги буюк Ўзбекистонимиз Мустақиллигининг 16 йиллигини қўвончу шўқроналик билан нишонлаймиз.

Шу билан бирга бугун — ҳаяжонли эҳтиросларга бир зум тин бериб, Истиқлол онларига етолмаган, унинг завқ-шавқини тотолмаган, аммо юртимизнинг, юртдошларимизнинг озодлиқка, ҳурликка эришишига бекиёс хисса қўшган, шу эзгу мақсад учун жонини ҳам қурбон қилган минглаб фидойи ватандошларимиз хотирасини сукут сақлаб, миннатдорчилик билан ёдга оладиган кун.

Ҳа, Мустақиллик — Ўзбек халқи учун энг буюк неъмат. Аммо, у ўз-ўзидан, осонликча қўлга киритилгани йўқ. Тарихнинг гувоҳ беришича, Ватан озодлиги, халқ эркинлиги, миллий ҳурлиги учун кураш бундан 130 йил муқаддам, яъни мустамаккачиликнинг илк давларидан бошланган. Юртбошимиз

айтганларидек, халқимиз қўп оғир кунларни бошдан кечирди. Бунинг ҳеч қачон унутмаслик керак. Зеро, ўтмишсиз инсоннинг келажаги ҳам бўлмайди. Шу билан бирга ҳаётимизни шакллантириш йўлида миллиятнинг ҳам келажаги йўқ.

Шу нуктага назардан айтиш жоизки, бевосита Ўзбекистон Президенти ташаббуси ва ғояси асосида 2000 йили Юнусобод тумани ҳудудида "Шаҳидлар хотираси" ёдгорлик мажмуининг барпо этилгани мамлакатимизнинг ижтимоий-маънавий ҳаётида улкан тарихий воқеа бўлди. Ушандан буён

бу шинам мажмуага минглаб ватандошларимиз ҳар йили мустақиллик байрами арафаси — 31 август куни ташриф буюриб, озодликка, ҳурликка интилганлари боис қатағонга учраган минглаб фидойи юртдошларимиз хотирасини ёдга оладиган, руҳларини шод этадиган табаррук қадамжого айланди. Шу кунни узоқ-яқиндан келган ҳамюртларимиз бугунги фаровон ҳаётга эришишимизга катта хисса қўшган, аммо ўзлари бу ёрқин кунларни қўрқмай, шайхид кетганлар иззат-ҳурматини ўрнига қўйиб, қалб миннатдорчи-

лигини изҳор этадилар.

Хотира — муқаддас. Айниқса, мустақиллик шаҳидлари хотираси. Қанчалик оғир, қайғули бўлмасин, эслаш, таъзим баҳо келтириш — ҳам фарз, ҳам қарз. Ахир, Алланинг қўли билан бу машъум жарлик қаърида озмунча ватандошларимизнинг қони ноҳақ тўкилганими? Айрим манбалардаги маълумотларга қараганда, бу ерда 13 минг кишига ҳеч қандай исботсиз "халқ душмани" таъғис босилиб, отиб ташланган. Умуман, Ўзбекистонда қарийб 100 минг киши қатағон қурбони бўлган.

Юртбошимизнинг иборалари билан айтганда, ўтмиш аждодларимизнинг хотиралари қалбларимизда абадий барҳаёт эканлиги учун бугун уларнинг руҳлари шод бўлса ажаб эмас.



СУРАТДА:

қадокловчилар (чапдан) Дилафруз Рижиева ва Соҳида Тўшева ўз ишларидан мамнун.
Даврон АХМАД олган сурат.

МАҲСУЛОТИГА БУЮРТМА ҚЎП

Мустақиллик шарофати билан мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик эмин-эркин ривожланаётган. Ана шу имконият сабаб яқинда Зангиота тумани "Чигатой-Оқтепа" қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида яна бир «DENTA FILL — PLUS» хусусий қорхонаси очилди.

Ушбу тадбиркорлик тузилмаси қўп тармоқлидир. Ҳозир унинг косметика маҳсулотлари цехида 30 нафар маҳаллий йигит-қиз меҳнат қилаётган. Улар 10 хил шампунь, яна шунча хил катталар ва болалар учун мўлжалланган крем ҳамда уч хил тиш пастаси ишлаб чиқаришмоқда. Қорхонанинг тикувчилик цехида ҳам иш қизғин. Аллақачон дастлабки буюртмаларни бажаришга киришилди. Бу ерда 20 нафар қиз маҳсулоти шорт либосларини тикишмоқда. Келгусида эркакларнинг замонавий костюм-шим ва пальтолларини тикиш режалаштирилган. Хуррият МҲМИНОВА.

ЎЗБЕКИСТОННИНГ 16 ЙИЛЛИК МУСТАҚИЛ ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИ

Президент Ислон Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент Девонининг Ўзбекистон мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланган қўшма мажлисидаги маърузаси

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, мамлакатимизни ислоҳ этиш ва янгилаш қаратилган дастурий вазифаларни бажаришда биз миллий қадриятларимиз, урф-одат ва анъаналаримизни сақлашга, халқимизнинг асрлар давомида шаклланган менталитетига ҳурмат билан муносабатда бўлишга катта эътибор қаратдик. Шу билан бирга, муваффақиятли ва барқарор ривожланидиган замонавий демократик давлат қуришнинг ўзини оқлаган жаҳон тажрибасини чуқур ўрганиш ва қабул қилиш ҳам диққатимиз марказида бўлди.

Маълумки, СССР парчаланиб кетганидан кейин собиқ совет ҳудудида жуда кескин ва таҳликали вазият юзага келди. Бу эса бошбошдоқликнинг олдини олиш, ҳуқуқ-тартиботни сақлаш ва аҳолининг энг зарур, биринчи гада, озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини таъминлаш бўйича зудлик билан тегишли чоралар қўришни талаб этди.

Азиз дўстлар, биродарлар, ўша қалтис ва мураккаб даврда юртимизда бор-йўғи ўн-ўн беш кунга етадиган бугундай ва ун захираси қолгани, мамлакат амалда очарчилик оstonасига келиб қолганини ўзимизга бир тасаввур қилайлик.

Табиийки, бундай ҳол аввало бутун совет тизимида хос бўлган марказлаштирилган усулда режалаштириш ва тақсимлашдек иллатларнинг таъсири эди. Лекин, энг ёмони, Ўзбекистон иқтисодиёти асосан хомашё тайёрлашга йўналтирилган, бирёқлама ривожланиш ҳисобидан мўрт ва ночор ҳолга тушиб қолган бўлиб, иқтисодиётга, экология ва аҳоли гефондидаги ҳалокатли таъсир ўтказадиган пахта яккахокимлиги юртимиздаги вазиятни жар ёқасига олиб келиб қўйган эди. Бунинг оқибатида улкан табиий, минерал-хомашё, меҳнат ва инсон салоҳиятига эга бўлишга қарамай, республикаимиз собиқ СССРда аҳоли турмуш даражаси, ижтимоий ва гуманитар соҳалар ривожини бўйича охириги ўринлардан бирида турар эди. Буни аҳолини рўйхатга олиш бўйича 1989 йилда ўтказилган статистик маълумотлар ҳам тасдиқлайди.

Боз устига, амалдаги совет пули ўз қимматини йўқотиб бўлган, янги миллий валютаимиз эса хали жорий этилмаган эди. Бундай шaroитда иқтисодиётнинг фожиали равишда инқирозга юз тутиши ва инфляциянинг ўта кескин, ҳатто йилга мингглаб фоизга ўсиб кетишини жиловлаш фақуллодада муҳим аҳамият касб этар эди. Биринчи гада илгари шаклланган ҳўжалик, ишлаб чиқариш ва молиявий олоқаларнинг бутунлай узилишига барҳам бериш, оммавий ишсизликнинг олдини олиш зарур эди.

Ички ва ташқи хавфсизликни таъминлаш тизимининг парчаланиши натижасида жамиятда ҳуқуқий бўлишқ вужудда келгани, миллатлар ва динлараро, ҳудудий ва турли гуруҳлар, уруғ-аймоқлар ўртасидаги зиддиятларнинг авҳ олиб кетиш хавфини, радикал қайғиётларнинг айниқса ёшлар ўртасида кучайиши гоёт жиддий хатарга айланган эди. Қисқача айтганда, туб илдиэлари совет давлатининг сўнгги йилларида бориб тақаладиган ички ва ташқи моҳорлардан мамлакатимизни асраб қолиш талаби ўта кескин бўлиб турар эди.

Бу ўринда авваламбор эл-юртимиз бошидан кечирган 1984-1989 йиллардаги мудиш қора кунларини эслаш мумкин, деб ўйлайман. Ўша даврда республикамизда юзага келган оғир ижтимоий аҳвол сабабли аҳолининг куçайиб бораётган норозилигининг олдини олиш ва тўхтатиш учун КПСР Марказий комитети қарори билан Ўзбекистонга юборилган, халқ жуда топиб, "десантчилар" деб атаган гуруҳ томонидан содир этилган қонунсизлик ва зуравонликни қўпчилик яхши эслайди.

Бу ҳақда гапирганда, Қувасой, Фарғона ва Қўқон, Наманган, Бўқа ва Паркент, Гулистон, Тошкент ва Ўшда рўй берган фожиали воқеалар одамларимиз қалбида қолдирган битмас жароҳатларни, юртимизга чет элдаги марказлар томонидан молиявий таъминланган ва бошқарилган террорчи тўдалар Сурхондарё ва Тошкент вилоятларининг тоғли туманлари орқали суқилиб кирган таҳликали кунларни ҳам эслашимиз лозим. Агарки ана шу ёвуз ниятли кунларнинг қабиҳ ва узокни қўзлаган бузуқчилик максадлари амалга ошганида борми, мамлакатимиз фуқаролар уруши олови ичида қолиб кетган ва унинг оқибатлари, ҳеч шубҳасиз, бутун Ўрта Осиёдаги вазиятни портлатиб юборган бўлур эди.

Республикада вужудга келган бундай ўта мураккаб ва фожиали шарoитда ўзини йўқотмасдан, босиқлик, чидам ва бардош билан иш тутиш, катъий сиёсий иродани намoён этиш, мамлакатни чуқур таназзулдан олиб чиқишга қаратилган, ҳар томонлама пухта ўйланган стратегияни ишлаб чиқиш ва уни амалга ошириш учун жамиятдаги барча соғлом кунларни сафарбар этиш гоёт муҳим аҳамият касб этган эди.

Биз сиёсий ва иқтисодий тараққиёт, давлат ва жамият қуриш стратегиясини барпо этишда халқимизнинг тарихан шаклланган миллий ва мада-

ний ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган, мамлакатимизнинг мавжуд табиий-иқтисодий, минерал-хомашё ва инсоний салоҳиятини ҳолисона ва жиддий баҳолаган ҳолда, жаҳон ҳўжалик алоқалари тизимида ўзимизга муносиб жой эгаллашни максад қилиб қўйиб, бундай марраларга эришишни асосий вазифамиз сифатида белгилаб олдик.

Шу борада мамлакатимизни ислоҳ қилиш ва миллий давлатчилик пойдеворини барпо этиш бўйича қабул қилинган ана шу стратегияни амалга оширишдаги биринчи қадамларимиз нималардан иборат бўлганини яна бир бор эслаш ўринлидир.

Аввало, тарихан жуда қисқа муддатда Асосий қонунимиз – Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ишлаб чиқилди ва қабул қилинди. Бу қомусий ҳўжатда мамлакатимизда давлат ва жамият қурилишининг асосий тамойиллари аниқ ифодаалаб берилди, давлат ҳокимиятининг қонун қарувчи, ижро этувчи ва суд тармоқларига бўлиниши энг муҳим тамойил сифатида белгиланди. Шунингдек, инсон ҳуқуқларининг давлат манфаатларидан, умумэтироф этилган халқаро ҳуқуқ нормаларининг эса миллий ҳуқуқий меъёрлардан устуңлиги ҳам Конституцияда муҳрлаб қўйилди.

Асосий қонунимизда ҳеч қандай мафқуранинг давлат мафқураси сифатида ўрнатилиши мумкин эмаслиги ва ижтимоий-сиёсий ҳаёт сиёсий институтларнинг ранг-баранглиги, мафқура ва фикрларнинг хилма-хиллигига асосланиши белгилаб берилди. Айни пайтда барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлилиги шарoитида хусусий мулкнинг устуворлиги конституциявий асосда мустаҳкамлаб қўйилди.

Ана шу тамойилларни инобатга олиб, давлат ва иқтисодиётни бошқаришнинг мустабиб, марказлашган тизимига барҳам бериш, мустақил Ўзбекистоннинг янги сиёсий ва давлат тузилиши асосларини, аввало қонунчилик тизимини шакллантириш, марказда ва жойларда ваколатли ҳокимият органларининг яхлит тизимини ташкил этишга қаратилган ишлар аниқ максадни қўзлаб босқичма-босқич амалга оширилди.

Иккинчидан, мураккаб ўтиш даврида қабул қилинган қонунларнинг амалда бажарилишини таъминлай оладиган, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, сиёсий ва иқтисодий ислохотларни амалга оширишга қодир бўлган ижро ҳокимиятининг самарали тизими ва тузилмалари яратилиш муҳим аҳамиятга эга эди. Шу максадда туб маъмурий ислохотлар амалга оширилди: марказлашган режалаштириш ва тақсимлаш тизимининг таянчлари бўлган Давлат план комитети, Давлат таъминот комитети, Давлат нарх комитети, Давлат агро-саноат комитети ва қўлпаб тармоқ ва эриқликлари тугатилди, маҳаллий ҳокимият органлари қайта ташкил қилинди – вилоят, туман ва шаҳарларда ҳокимлик институти жорий этилди. Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органи тизими – маҳалла институтининг ривожлантириш ва мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилди.

Учинчидан, судларни жазоловчи ва фақат давлат манфаатларини ҳимоя қилувчи органдан қонун устуворлигини ва инсон ҳуқуқлари ҳимоясини таъминловчи органга айлантиришга қаратилган яхлит суд ҳокимияти тизимини шакллантириш вазифаси қўйилди ва муваффақиятли ҳал этилди. Конституциявий суд, Олий суд, умумий юрисдикция судлари, ҳўжалик судлари жорий этилди. Жиноят, жиноят-процессуал, суд-ҳуқуқ ва бошқа йўналишларнинг қонунчилик асосини ташкил этувчи база яратилди.

Тўртинчидан, қисқа муддатларда мамлакатимиз суверенитети ва ҳудудий ахлитлигини, конституциявий тузумини ишончли ҳимоя қиладиган, жамоат тартибини таъминлайдиган, халқаро террорчилик, экстремизм ва наркoагрессия қаби кучайиб бораётган хавф-хатарларга қарши курашадиган миллий хавфсизлик органлари тизими шакллантирилди.

Минтақадаги ижтимоий-сиёсий вазиятни, мамлакатимиз хавфсизлигига бўлган бугунги замонавий таҳдид ва хатарларни чуқур таҳлил этиш асосида "Ўзбекистон Республикасининг ҳарбий доктринаси тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикасининг миллий хавфсизлик Концепцияси тўғрисида"ги қонун ҳўжатлари қабул қилинди. Шу тарика юртимизда тинчлик, осойишталик ва барқарорликни сақлашга хизмат қиладиган хавфсизликни таъминлашнинг яхлит тизими фаолиятини йўлга қўйишга қаратилган мустаҳкам ҳуқуқий база яратилди.

Шунингдек, фуқаролик ва жамоатчилик институтилари, хусусан, парламент Оmbудсмени, Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ ва бошқа қатор тузилмаларни шакллантириш билан боғлиқ масалалар ҳам бизнинг доимий диққат-эътиборимизда бўлди.

Биз шахс ва оиланинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва онгини ошириш вазифасини ўзимиз учун максад қилиб қўйиш билан бирга, бу масалани том маънодаги демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти қуришнинг муҳим шарти сифатида белгилаб олдик.

Ўтган давр мобайнида **миллий иқтисодиётни шакллантириш ва уни тубдан ислоҳ қилиш мамлакатимиз мустақил тараққиётининг энг муҳим омили ва асосини ташкил этганини алоҳида таъкидлаш зарур. Бу борада бизнинг олдимизда республика ва аҳоли эҳтиёжини, биринчи навбатда ёқилиғ-энергетика ресурслари, истеъмол ва озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабни ишончли тарзда қондиришдек долзарб ҳаётий вазифа турар эди.**

Юртимизда ёқилиғ-энергетика ва галла мустақиллигига эришиш муҳим стратегик вазифа сифатида кун тартибига қўйилди. Бу ўринда аввало шуни айтиш лозимки, Ўзбекистон табиий газ, нефть ва газ конденсати бўйича аниқланган улкан саноат захираларига эга бўлганга қарамадан, илгари иқтисодиёт тармоқлари ва аҳоли эҳтиёжини қондириш учун йилга 6-7 миллион тонна нефть ва нефть маҳсулотларини четдан келтириш ва бунинг учун катта миқдордаги валюта ресурсларини сарфлашга мажбур бўлар эди.

Бу жиддий муаммони ҳал этиш максадига қисқа фурсат ичида ўзимиздаги углеводород хомашёсини қазиб олиш ва қайта ишлаш бўйича максадли дастурлар ишлаб чиқилди ва амалга оширилди. Янги нефть-газ конларини аниқлаш, нефть ва табиий газни қазиб олиш учун зарур бўлган инвестициялар топилиди, жумладан, хориж сармояси жалб этилди. Бухорода нефтини қайта ишлайдиган янги замонавий завод барпо этилди, Фарғона ва Олтиариқдаги нефтни қайта ишлаш заводлари модернизация ва реконструкция қилинди, уларнинг барқарор ва ишончли фаолият қўрсатиши учун шарт-шaroит яратилди.

Шунингдек, ўзининг ишлаб чиқариш ва иқтисодий салоҳиятига қўра ўхшаши бўлмаган Шўртан газ-қимё мажмуаси қаби ноёб иншоот барпо этилди. Ушбу қорхонада тайёрланаётган суолтирилган газ, турли маркадаги полиэтилен ва бошқа маҳсулотларга нафақат мамлакатимиз, балки чет элларда ҳам талаб катта эканини қайд этиш лозим.

Мустақиллик йилларида ана шундай йирик қорхоналарнинг қурилиши ва реконструкция қилиниши натижасида ҳозирги вақтда юртимизда нефть маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 1990 йилга нисбатан 3 баробар ортди. Бугунги кунда Ўзбекистон бу борада мамлакатнинг ва аҳолининг ўсиб бораётган эҳтиёжларини таъминлаш билан бирга, экспорт ҳажминини ҳам қўпайтиришга эришди.

Асака ва Самарқанд шаҳарларида автомобил заводларини барпо этганимиз тўғрисида мустақиллик йилларида автоомбиллар сони кескин ошди ва ҳар 100 оиланинг автоомбил билан таъминлаш даражаси 6 баробар ўсди. Ўз-ўзидан аёнки, республикаимизда бензин ва ёқилиғ-мойлаш маҳсулотларига бўлган талаб ҳам шунга мос равишда ошиб бормоқда. Айнан нефть ва нефть маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ошириш ҳисобига биз бугун республикаимизнинг ривожланидиган саноати ва аҳолининг кескин ўсиб бораётган мана шундай талаб ва эҳтиёжларини таъминлашга эришмоқдамиз.

Маълумки, мустақилликнинг дастлабки кунларида аҳолини нон ва нон маҳсулотлари билан таъминлаш бўйича ҳам ўта оғир қийинчилик ва муаммолар пайдо бўлган эди. Бу муаммоларнинг сабаби аввало шундаки, Ўзбекистон собиқ СССР ва социалистик лагерга мансуб мамлакатлар учун асосан пахта хомашёси тайёрлар, галла ва ун маҳсулотларига бўлган ички эҳтиёжимизнинг 80 фоиздан ортиғи эса четдан келтирилган маҳсулотлар ҳисобидан қопланар эди. Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, ўша йилларда этиштирилган пахта хомашёсининг 7 фоизгинаси мамлакатимизнинг ўзида қайта ишланар, қолган қисми сувтекин нархда четга чиқарилар эди.

Аҳолини озиқ-овқат товарлари, жумладан, гўшт ва сут, ўз фоиз четдан келтириладиган шакар маҳсулотлари билан таъминлаш борасида ҳам мураккаб вазият вужудга келган эди. Айниқса, аҳолини қартошка билан таъминлашнинг аҳоли бунга ақол мисол бўлади. Ўша вақтда юртимизга ҳар йили Россия, Белоруссия, Польша ва бошқа мамлакатлардан қарийб 1 миллион тонна қартошка келтирилар эди.

Энг ёмони, бу маҳсулот ноябрь-декабрь ойларида келтирилгани учун музлаб, унинг катта қисми яроқсиз ҳолга келар ва қорваға ем бўларди. Бугун эса халқимизнинг қартошкага бўлган эҳтиёжи тўлиқ ўзимизда этиштирилган ҳосил ҳисобидан қопланмоқда.

Ана шундай мураккаб бир даврда биз галла мустақиллигига эришишдек ҳаётий муҳим масалани ҳам ўз олдимизга устувор вазифа қилиб қўйдик. Биринчи навбатда қишлоқ ҳўжалигини тубдан ислоҳ қилганимиз, мамлакатимиз иқтисодиёти ва экологиясига катта зарар етказган пахта монополиясига барҳам берганимиз тўғрисида биз вазифани ҳам муваффақиятли ҳал этишга эришдик. Ўзбекистон бугунги кунда ўзининг галлага бўлган эҳтиёжини қоплаганиа қолмасдан, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги таркибиди қўши мамлакатларга, Афғонис-

тон, Эрон ва бошқа давлатларга галла ва ун маҳсулотларини экспорт қилмоқда.

Шуни таъкидлаш керакки, галла мустақиллигининг қўлга киритилиши мамлакатимиз аҳолисини нафақат ун ва нон маҳсулотлари билан таъминлаш, айна пайтда унинг гўшт ва сут маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини барқарор равишда ўз ҳисобимиздан қондириш масаласини ҳам ҳал қилиш имконини берди.

Бундай улкан ютуқлар замирида ана шу мураккаб вазифалар ечимини ўз зиммасига олган деҳқон ва фермерларимиз, қишлоқ ҳўжалигига, иқтисодиётнинг барча тармоқларида фаолият қўрсатаётган миллионлаб меҳнаткаш инсонларнинг фидокорона меҳнати муҳассас, десак, айна ҳақиқатни айтган бўлаимиз.

Иқтисодий ривожланиш ҳақида гапирганда, марказдан режалаштириш ва тақсимлаш тизими самарали меҳнат, сифатли ва рақобатбардoш маҳсулот ишлаб чиқариш, ташаббускорлик ва тадбиркорлик йўлида асосий гов-тўсиқ бўлиб келганини таъкидлаш лозим. Шу сабабли ўзининг мутлақо яроқсиз эканини қўрсатган бу тизимнинг барча-барча иллатларидан бутунлай воз кечганимиз айниқса принципиал аҳамиятга эга бўлди.

Дастлабки йиллардаёқ **биз учун аниқлиб йўллар бозор иқтисодиётининг асослари яратилди**, бозор инфратузилмаси институтларини ташкил этиш ва рақобат муҳитини шакллантириш орқали бозор муносабатларининг механизми ишга туширилди. Мамлакатимизда хусусий мулкчилик тикланиб, унинг ривожини устувор аҳамият касб этди. Хусусий мулк конституциявий асосда ишончли қафолатга эга бўлди.

Иқтисодиётнинг асосий тармоқлари, савдо ва хизмат қўрсатиш соҳаси қорхоналарининг бутунлай давлат тасарруфидан чиқарилиши ва хусусийлаштирилиши натижасида мамлакатимизда амалда қўп уқладли иқтисодиёт шаклланди, мулкдорлар ва тадбиркорларнинг янги синфи пайдо бўлди ва бу синф йилдан-йилга юртимиз ҳаётида тобора салмоқли роль ўйнамоқда.

Айни пайтда биз учун мутлақо янги бўлган, бозор иқтисодиёти талабларига жавоб берадиган молия ва банк тизимини шакллантириш ҳамда ўз миллий валютаимизни муомалалга киритиш ҳам улкан аҳамият касб этди.

Албатта, миллий валютага ўтиш ва унинг қатъий тўлов қобилиятини таъминлаш осон кечгани йўқ, лекин қанчалар қийин ва оғир бўлмасин, биз 2003 йилдаёқ унинг эркин конвертация қилинишига эришдик.

Замонавий икки поғонали банк тизимини яратиш орқали мустақил пул-кредит сиёсати юритиш, бюджет ва пул сиёсатининг масъулият доирасини аниқ белгилаб қўйиш, уларнинг ўзаро самарали муносабатини таъминлаш имконияти пайдо бўлди. Бунинг натижасида иқтисодиётимиз манфаатларини барқарор ва ишончли тарзда қондириб боришга эришилди. Ҳўжалик юритувчи субъектлар ва бюджет ташкилотларининг молиявий маблағлардан фойдаланиш борасидаги мустақиллиги сезиларли даражада ошди.

Ижтимоий нуқтаи назардан бошланчиг босқичда, иқтисодиётни ва бутун жамиятни ислоҳ қилишнинг энг мураккаб ўтиш даврида қучли ижтимоий сиёсат юритиш ва аҳолини ҳимоя қилишнинг ўхшаши бўлмаган, самарали механизми ишлаб чиқилиб, муваффақиятли амалга оширилди. Қўмакка муҳтож оилаларга моддий ёрдам беришда асосан ўзини ўзи бошқаришнинг ноёб тузилмаси бўлиши маҳалла институти имкониятларидан фойдаланиш ўзини тўла оқлади.

Бу авваламбор зарур моддий ва маънавий ёрдамни очиклик ва ошқоралик тамойиллари асосида аниқ йўналтириш – аҳолининг ҳақиқатан ҳам ночор қатламларини қўзлаб-қуватлаш, уларни ўтиш даврининг қийинчиликларидан ишончли ҳимоя қилиш имконини берди. Шу тарика биз юртимизда ижтимоий-сиёсий барқарорлигини таъминлабгина қолмасдан, айна пайтда ислохотлар ва мамлакатни янгилаш борасида олиб бораётган сиёсатимизнинг халқимиз томонидан кенг қўзлаб-қувватланишига ҳам эришдик.

Бу даврда амалга оширган ишларимиз қаторида мамлакатимизнинг мудоффа қобилиятини мустаҳкамлаш, унинг барқарорлиги ва хавфсизлигини таъминлашда **Қуролли Кучларимизнинг шакллантирилиши** гоёт муҳим аҳамият касб этди.

Собиқ СССР парчаланганидан кейин юзага келган шарoитда, қуролли қўларда бошқарув, интизом ва тартиб амалда йўқотилган, мамлакат хавфсизлигига ички ва ташқи таҳдидлар кундан-кунга кучайиб бораётган бир вазиятда Мудоффа вазирлигини, унинг органлари ва жойлардаги қўмондонлик тузилмаларини шакллантириш ўз вақтида қабул қилинган яккаю яғона тўғри қарор бўлди.

Қадрлар, энг аввало, офицерлар таркибинин сақлаб қолиш ва мустаҳкамлаш, армия сафларини миллий қадрлар билан тўлдириш, уларнинг тайёргарлик ва қайта тайёргарликдан ўтишини таъминлаш, энг муҳими, мамлакатимиздан жанговар техника ва

қуроллар олиб чиқиб кетилишининг олдини олиш ўта муҳим аҳамиятга эга эди.

Кейинчалик, минтақамиздаги тез суруятлар билан ўзгариб бораётган ижтимоий-сиёсий ва ҳарбий вазиятдан келиб чиққан ҳолда, армияни ислоҳ қилиш бўйича янги принциплар неғизида Қуролли Кучларни барпо этиш ва ташкил қилишга асосланган, хавфсизликка таҳдид соладиган реал хавф-хатарларни назарда тутадиган узoқ муддатга мўлжалланган дастур шакллантирилди. Ушбу дастурни амалга ошириш жараёнида миллий армиямиз ташкилий жиҳатдан янгилаш таркибий тузилишга эга бўлди, қисқа муддатда ҳарбий округлар, чегаравий минтақалар ташкил этилди, Қуролли Кучларни бошқаришнинг бутун тизими, бирлашма ва қисмларнинг таркиби ва жойлашуви қайта қуриб чиқилди, қўшинларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, уларни замонавий қурол-яроғ ва техника билан таъминлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди.

Шу билан бирга, ўта муҳим жанговар топшириқларни бажаришга йўналтирилган Махсус операциялар бўйича кучларнинг бўлинмалари, Мудоффа вазирлиги ҳузуридаги Терроризмга қарши кураш корпуси тузилди. Бу бўлинмалар эҳтимол тутилаётган душманнинг ҳар қандай таҳовузқорона ҳаракатларига қарши муносиб зарба беришга қодир қудратли қуч экани Сурхондарё, Қашқадарё ва Тошкент вилоятларининг тоғли туманларига суқилиб кирган халқаро террорчиларнинг жангари тўдаларини йўқ қилиш бўйича амалга оширилган операцияларда намoён бўлди.

Айни пайтда муддатли ҳарбий хизматнинг бир йилгача қисқартирилгани, қўшинларнинг сифат таркибинини яхшилаш ва уларнинг сафини тўлдириш тартибларининг тақомиллаштирилгани, замонавий қурол-аслаҳа билан таъминлангани, сафарбарлик-чақирув резерв хизматининг жорий қилингани, шартнома-контракт асосидаги хизматга ўтиш жараёни амалда яқунлангани армияимизнинг қиёфасини, унинг мазмун-моҳияти ва жанговар қобилиятини тубдан ўзгартирганини қайд этиш зарур.

Серхант ва офицер қадрларни тайёрлашнинг аҳборот ва компьютер технологияларига, замонавий илм-фан ва техника ютуқларига асосланган самарали тизими ташкил этилди.

Ҳарбий хизматчиларни ва уларнинг оилаларини ижтимоий ҳимоя қилиш, зарар турархoя ва маиший шарoит билан таъминлаш борасида ҳам қўп иш қилинди. Сўнгги беш йилнинг ўзида ҳарбий унвонлар бўйича маошлар, ҳарбий хизматдан бўшагандан кейин тўланадиган нафақалар миқдори икки баробардан зиёд оширилди.

Бугун тўла ишонч билан айтиш мумкинки, Ватанимизнинг хавфсизлигини Қуролли Кучларимиз томонидан ишончли тарзда таъминланмоқда, армияда хизмат қилиш Ўзбекистон фуқароси учун нафақат конституциявий бурч, балки нуфузли касблардан бирига, том маънодаги шон-шараф ишига айланиб бормоқда.

Армия хизматини ўтаётган йигитларимиз ҳарбий мутахассисликларни пухта эгаллаш билан бирга жисмоний ва маънавий жиҳатдан чинчиқиб, иродаси тобланиб, қатъий ҳаётий позиция шаклланмоқда, Ватан ҳимояси йўлида доимо тайёр турадиган мард ва жасур инсонлар бўлиб қамол топтомоқда.

Тарихимизнинг ана шу ўтган даврини сарҳисоб қилар эканмиз, **ташқи сиёсат ва дипломатик хизматни шакллантириш** борасида амалга оширилган кенг қўламли ишларга тўхталмасдан ўтолмаймиз.

Таъкидлаш жоизки, мустақиллик давригача республика Ташқи ишлар вазирлиги аппаратида бор-йўғи 10-15 нафар ходим бўлиб, улар номигагина вакиллик вазифаси ҳисобланган ишлар, яъни протокол мажбуриятлари ва турли тадбирлар, асосан чет эллик меҳмонларни қабул қилиш билан шуғулланарди, холос.

Истиклолнинг биринчи кунларидан бошлаб ўта муҳим ташқи сиёсий масалаларни ҳал қилишга, давлатлараро сиёсий ва иқтисодий муносабатлар борасида энг мақбул йўлларни топишга тўғри келди.

Гоёт қисқа фурсатда бу соҳада Ташқи ишлар вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар қўмитаси, кейинчалик эса, Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги ва бошқа қатор давлат бошқарув органлари тузилди, дипломатик қадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизими яратилди.

Мустақилликка қадар юртимизда бирорта ҳам хорижий давлат элчихонаси йўқ эди. Ҳозирги вақтда чет элларда мамлакатимизнинг 48 та дипломатик ваколатхонаси бор. Ўзбекистонда эса 86 та элчихона ва савдо ваколатхонаси аккредитация қилинган. Мамлакатимизнинг қўлай геосиёсий ўрни, унинг биринчи навбатда ўз миллий манфаатларини инобатга олган ҳолда олиб бораётган, ҳар томонлама чуқур ўйланган, мустақил ва изчил ташқи сиёсати давлатимизнинг жаҳон ҳамжамияти томонидан эътироф этилиши, халқаро майдонда оёру-эътиборининг ортиб боришини таъминлади.

Кейинги даврларда ўзига оёру топоқчи бўлган "кўп векторлик сиёсат" олиб бориш деган турли қараш ва ёндашувлар ҳақида чиқишлар бўлмоқда. Бугунги кунда мамлакатимиз олиб бораётган ташқи сиёсатнинг тағ-томидида ҳеч қимга сир бўлмаган бир максад турибди – Ўзбекистон манфаати ва яна бир бор Ўзбекистон манфаати. Бизнинг бу соҳадаги барча қадам ва ҳаракатларимиз фақат ана шу эзгу максад

ЎЗБЕКИСТОННИНГ 16 ЙИЛЛИК МУСТАҚИЛ ТАРАҚҚИЁТ ЙҮЛИ

Президент Ислон Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент Девонининг Ўзбекистон мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланган қўшма мажлисидаги маърузаси

ядро физикаси, иссиқлик физикаси, астрофизика, гелиоматериалшунослик, биология, микробиология, кимё ва табиий бирикмалар кимёси, сейсмология йўналишларида ва бошқа кўплар соҳаларда истиқболли тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Ҳеч шубҳасиз, бугун таълим-тарбия ва илм-фан соҳасига сарфланаётган маблағлар мамлакатимиз келажигининг эгаси бўлган ёш авлодни, юксак интеллектуал салоҳиятли жамиятни шакллантириш йўлида мустақкам пойдевор бўлиб хизмат қилади.

Мухтарам юртдошлар! Биз ўз олдимишга қўйган эзгу мақсад-муддаоларга эришишда, барқарорлигини таъминлаш ва мамлакатни янгилашга қаратилган кенг кўламли ислохотларни жорий этишда мустақиллигининг дастлабки кунларидан бошлаб улкан ишларни амалга ошириб келаётганимиз барчангизга яхши маълум.

Бу борада айнақса юртимизда миллиятлар ва динлараро тинчлик-тотувлиқни мустаҳкамлаш, маънавий ва ахлоқий тарбияни кучайтириш, тарихий илдрзларимизга, миллий ўзгичилимизга қайтиш, аҳолининг сиёсий онги ва ҳуқуқий маданиятини оширишга доир аниқ мақсадга йўналтирилган ишларимиз муҳим аҳамият касб этганини таъкидлаш жоиз.

Бугунги кунда халқимизга азалдан хос бўлган ҳамжихатлик ва бағрикенглик, меҳр-оқибат, меҳмондўстлик ва саховат каби инсоний фазилатлар янада ёрқин намоян бўлмоқда ва бундай маънавий муҳит одамларнинг руҳи ва қафсиятига ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Биз бугун юртимизда янги ҳаёт барпо этган эканмиз, бир масалага алоҳида эътибор беришимиз лозим. Яъни, коммунистик мафкура ва ахлоқ нормаларидан воз кечилганидан сўнг жамиятда пайдо бўлган ғоявий бўшиқликни қайтариб, четдан биз учун мутлақо ёт бўлган, маънавий ва ахлоқий тубанлик иллатларини ўз ичига олган "оммавий маданият" ёпирилиб кириб келиши мумкинлиги барчангизга аён бўлиши керак.

Бундай узоқни қўзғайдиган, аниқ мақсадларга эга бўлган турли хуруж ва гаразли интилишлар, хорижий марказлар томонидан катта куч ва маблағ сарфланаётган ҳаракатлар ва бу каби ҳавф-хатарлар бизга қандай зарарли оқибатлар олиб келишидан огоҳ бўлишимиз даркор.

Қадри дўстлар! Мамлакатимизни 1991-2000 йиллар давомида ислох қилиш ва янгилаш борасида кўлга киритилган натижаларни сарҳисоб қилар эканмиз, бугун ушбу босқич миллий давлатчиликни шакллантириш ва республикаимизни барқарор ривожлантиришда мустақкам замин бўлди, деб айтишга барча асосларимиз бор.

Тарихан қисқа вақт ичида совет давридаги эски маъмурий-буйруқбозлик тизимига барҳам берилди, миллий давлатчиликни шакллантиришнинг пухта ҳуқуқий асослари яратилди, давлат ҳокимиятининг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти тармақлари ташкил этилди, ижтимоий ва фуқаролик институтлари фаолияти йўлга қўйилди, иқтисодиётни эркин бозор муносабатларига ўтказиш жараёни амалга оширилди.

Энг муҳими, аҳолининг онгу тафаккурида туб ўзгаришлар рўй берди, уларнинг узок йиллар мобайнида коммунистик ва совет мафкураси тамойиллари асосида шакллантирилган фикрлаш тарзи ва дунёқараш, бир сўз билан айтганда, одамларнинг ўзи ўзгариб.

Бугун янгича фикрлайдиган, ўз келажигани жамиятда демократик қадриятларни мустақкамлаш билан, мамлакатимизнинг келажигани жаҳон ҳам-жамиятига интеграциялашуви билан боғлиқ ҳолда кўрадиган янги авлод вакиллари ҳаётга кириб келмоқда.

Бу эса мамлакатимизда амалга оширилаётган туб сиёсий, иқтисодий, маънавий-маърифий ўзгаришларни ортага қайтариб бўлмаслиги, ислохотлар муқаррарлигининг ишончли қафолатидир.

Мухтасар айтганда, Ватанимиз ва халқимиз тарихида муҳим ўрин тутган ушбу даврда том маънода туб ўзгаришлар амалга оширилди, ҳуқуқро муносабатларининг тенг ҳуқуқли субъектига айланган, жаҳон ҳамжамиятида ўзининг муносиб ва мустақкам ўрнига эга бўлган – Ўзбекистон деб аталган янги демократик давлат барпо этилди. Бугун ана шу мустақкам пойдевор асосида мамлакатимизни жадал ислох этиш ва модернизация қилишнинг янги даври – миллий тараққиётимизнинг кейинги мантқий босқичи изчил давом этмоқда.

Ушбу босқичнинг муҳим дастурий вазифалари – сиёсий ва иқтисодий ҳаёт, давлат ва жамият қурилишининг барча жабҳаларини янада демократлаштириш ва эркинлаштириш, мустақил суд тизимини мустақкамлаш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш, фуқароларнинг сиёсий, иқтисодий фаоллигини ошириш, фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришдан иборатдир.

Ушбу даври ва миллий давлат-

(Давоми. Боши 1-, 2-бетларда).

чиликни барпо этиш шароитида объектив зарурат бўлган кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамиятига изчил ва босқичма-босқич ўтишга эришиш ушбу даврда давлат тизимини ислох этишнинг асоси ва ҳал қилувчи вазифаси бўлиши даркор. Бу даврда давлат ва жамият қурилиши соҳасида амалга оширилаётган демократик ислохотлар натижа-сида мамлакатимизнинг қонун чиқарувчи олий органи – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси икки палатали парламентга айлан-тирилди.

Бу борадаги асосий вазифа қуйи палата – Қонунчилик палатасини мунтазам фаолият кўрсатадиган профес-сионал органга айлантириш, юқори палата – Сенатни ҳудудлар манфаат-ларини ифода қиладиган вакиллик органи сифатида шакллантиришдан иборат эди. Шу тариқа қабул қилина-ётган қонун ҳужжатларининг сифатли ва асосли бўлишига эришиш билан бир қаторда, ўзаро мутаносиблик ва мубозанати сақлаш бўйича самарали тизим яратилмоқда, умумдавлат ва ҳудудлар манфаатларининг ўзаро му-возанати таъминланмоқда, аҳолининг мамлакатимиз ижтимоий ва сиёсий ҳаётидаги иштироки кўламини янада кенгайтириш имкони туғилмоқда.

Икки палатали парламентимизнинг ҳуқуқ ва ваколатларини кенгайтириш, қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳо-кимият ўртасидаги ваколатларнинг яна-да мувофиқлашувини таъминлаш бил-лан боғлиқ масалаларни ҳал этишда Президент ваколатларининг бир қис-мини юқори палата – Сенатга ўтказ-иш, шунингдек, Бош вазир ҳуқуқ ва ваколатларини кучайтириш муҳим аҳамият касб этди.

Ўзбекистон Республикаси Консти-туциясидаги мамлакат Президи-денти бир пайтнинг ўзида ижро этувчи ҳокимият раҳбари ҳам экани-ни белгилайдиган нормаларнинг ўзгартирилиши муҳим сиёсий-ҳуқуқий қадам бўлди. Бугунги кун-да Конституцияга мувофиқ Ўзбекис-тон Республикаси Президенти давлат раҳбари бўлиб, давлат ҳокимияти органларининг ўзаро уйғун ва ҳамжи-хат фаолият юритишини таъминлай-ди.

Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш, мамла-катини модернизация қилишда сиёсий партиялар ролини кучайти-риш тўғрисидаги конституциявий қонуннинг қабул қилиниши, ҳеч шубҳасиз, демократик ислохотлар-ни чуқурлаштириш борасида асо-сий ва ҳал этувчи роль ўйнади.

Ҳозирги шароитда сиёсий партия-лар фуқароларнинг сиёсий ва ижти-моий фаоллигини ошириш, аҳолининг айниқса сайлов жараёнларида хоҳиш-иродаси ва фикрини ифодлаш, мар-казда ва жойларда давлат ҳокимияти органларини шакллантиришнинг му-ҳим таъсир ўтказувчи воститасига ай-ланиши алоҳида аҳамият касб этади. Мазкур вазифани ҳал этиш мақсади-да парламентдаги кўпчилик ва парла-ментдаги мухолифат макomini қонун-ий тарзда белгилаш, сиёсий партия-лар фракциялари раҳбарларини Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари этиб сайлаш бўйича таш-килий-ҳуқуқий чоралар қўрилди.

Қабул қилинган ушбу ҳуқуқий ме-ханизмлар сиёсий партияларнинг мамлакат парламенти фаолиятини ташкил этишда, шунингдек, вакиллик ва ижро ҳокимияти органларини шакллантириш, уларнинг фаолияти-ни назорат қилишдаги роли ва аҳа-миятини тубдан кучайтирди.

Хусусан, Бош вазир лавозими-га номзод бўйича сиёсий партия-лар фракциялари билан маслаҳат-лаштиш тартиби, унинг парламен-т томонидан тасдиқланишининг қатъий белгиланган тартиб ва механизмининг жорий этилгани давлат қурилиши соҳасида демок-ратик ислохотларни чуқурлашти-риш йўлидаги муҳим қадам бўлди.

Конституциявий қонунга мувофиқ сиёсий партияларнинг Қонунчилик палатасидаги фракцияларига Бош ва-зирни истеъфога чиқариш, маҳаллий кенгашлардаги партия гуруҳларига эса вилоят ҳокимларини истеъфога чиқариш тўғрисида ташаббус билан чиқиш ҳуқуқининг берилиши ҳам мутлақо муҳим аҳамият касб этади. Буларнинг барчаси сиёсий партия-ларнинг мамлакат ҳаётидаги ўрни ва таъсири ортиб бораётганидан дало-лат беради.

Давлат ҳокимияти марказий органларининг бир қатор ваколат ва вазифаларини, авваломбор иқтисодий ва ижтимоий масалаларни ҳал этиш, бюджет ташкилотларини, коммунал хўжалик ва ободонлашти-риш ишларини молиялаштириш, одамларни иш билан таъминлаш ва аҳоли манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича ваколатларини маҳаллий ҳо-кимият, фуқароларнинг ўзини ўзи бош-қариш органлари, маҳаллаларга бос-қичма-босқич ўтказиш жараёни амал-га оширилмоқда.

Мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизи-мини ҳуқуқий давлатни шакллан-тиришнинг муҳим таркибий қисми сифатида чуқур ислох этиш ва эркинлаштириш бўйича янги кон-цепция ҳаётга татбиқ қилинди. Суд-лар ихтисослаштирилди, фуқаролик

ва жиноий ишлар бўйича алоҳида судлар ташкил этилди, судлар суд қарорларини ижро этиш каби ўзла-рига хос бўлмаган вазифалардан озод қилинди.

Жиноий жазо тизимини эркинлаш-тиришга доир чора-тадбирлар ҳам улкан социал ва ижтимоий-сиёсий аҳамиятга эга бўлди. Бунинг натижа-сида оғир ва ўта оғир тоифадаги жи-ноятларнинг 75 фоизга яқини ижти-моий ҳавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятлар тоифасига ўтказилди. Жиноят кодексигаги жи-ноят содир этган шахс етказилган моддий зарарни тўлиқ қоплаган тақ-дирда, суд томонидан унга нисбатан озодлиқдан маҳрум этиш тариқасида жазо тайинлашга йўл қўймайдиган нормалар анча кенгайтирилди.

Мазкур ўзгаришлар қабул қилин-ганидан сўнг судларнинг озодлиқдан маҳрум этиш тариқасидаги жазони тайинлаши 2006 йилда 2000 йилга нисбатан қарийб 20 фоизга камайди. Шунингдек, ярашув институти жорий этилгани ҳам бу борада муҳим роль ўйнамоқда.

2007 йилда Ўзбекистон Респуб-ликсининг 2008 йил 1 январдан мамлакатда ўлим жазосини бекор қилиш, шунингдек, фуқароларни қамқоқ олишга санкция бериш ҳуқуқини прокуратурадан судлар-га ўтказиш тўғрисида қабул қилинган қонунлари халқро ҳам-жамият томонидан ижобий қутиб олинди ва бутун дунёда катта акса-садо берди.

Ўлим жазоси бундан буён умрбод озодлиқдан маҳрум қилиш жазоси билан алмаштирилади ва у фақат икки турдаги жиноят, яъни, жавоб-гарлиқни оғирлаштирувчи ҳолатлар-да қасддан одам ўлдирishi ва терро-ризм учун тайинланади. Бунда жазо-нинг мазкур тури хотин-қизларга, 18 ёшга етмаган ва ёши 60 дан ошган эркакларга нисбатан тайинланмайди.

Ўзбекистонда юқорида қайд этил-ган жиноий жазо чораларининг жо-рий этилиши билан дунёда жиноий жазолашнинг энг инсонларвар, ҳуқуқий тизимларидан бири ташкил этилди, десак, ҳеч қандай муболага бўлмайди. Таъкидлаш жоизки, умр-бод озодлиқдан маҳрум қилиш жазо-си Германия ва Польша каби дав-латларда 5 турдаги, Бельгия ва Рос-сия Федерациясида 6, Францияда 18, Голландияда эса 19 турдаги жиноят учун тайинланади.

Қамқоқ олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш, уни амал-га оширишнинг аниқ процессуал-ҳуқуқий механизмининг яратиш жиноят процессининг судгага бўлган босқи-чида жиноий таъкиб қилинадиган фу-қароларнинг ҳуқуқ ҳамда қонуний манфаатларини самарали ҳимоя қилишнинг муҳим қафолатига айла-нади. Бу терговчи ва прокурорлар-нинг эътиёт чораси сифатида қамқоқ олишни танлашда жавобгарлигини кучайтириш, суд ҳокимиятининг нуфу-зини ошириш ва мустақиллигини мус-таҳкамлаш, инсоннинг озодлиққа бўлган конституциявий ҳуқуқини ишончли ҳимоя қилиши таъминлаш-га хизмат қилади.

Оқиб ва кучли фуқаролик жамия-тини бугунги кунда аҳолининг турли ижтимоий гуруҳлари ва кенг қатла-млари манфаатларини ифода этадиган мустақил ва барқарор нодавлат но-тижорат ташкилотлар, эркин оммавий ахборот воситалари ва бошқа фуқаролик жамияти институтларининг ривожланган тизимисиз тасаввур этиб бўлмайди. Шу нуқтаи назардан қара-ганда, бугун мамлакатимизда 5 минг-дан ортик нодавлат нотижорат таш-килот, 870 дан зиёд газета ва жур-нал, 100 га яқин давлат ва нодавлат телерадиостуцияси фаолият кўрсата-ётгани диққатга сазовор.

Ўтган давр мобайнида фуқаролик жамияти институтларини эркин ривожлантириш, фуқаролар манфаатла-рини ҳимоя қилиш ва қондирishi, муҳим ижтимоий аҳамиятга молик да-стуруларни бажариш борасида улар-нинг фаолият самарадорлигини оши-ришни таъминлайдиган зарур меъ-рий-ҳуқуқий база, иқтисодий ва ҳуқуқий қафолатлар яратилгани ҳам бу соҳадаги катта ишларимиздан бўлди десак, янгилишмаган бўламиз.

Азиз дўстлар! Мустақиллик йилларида қўлга ки-ритган ютуқларимиз ҳақида гапирган-да, биз уларга аввало иқтисодиёт-нинг ривожланиши, унинг ўсиш суръатлари, макроиқтисодий қўрсат-киларнинг ўзаро мутаносиблиги, инфляция даражасининг пасайиши, миллий валютанинг барқарорли-ги ва унинг харид қобилияти, экс-порт ва олтин-валюта захираимизнинг ортиб бораётгани, бир сўз билан айтганда, бутун иқтисодиётимизнинг изчил тарзда ривожланаётганидан келиб чиққан ҳолда баҳо берамиз.

Юртимизда амалга оширилаётган кенг кўламли, туб ислохотлар ва ўзга-ришларнинг қонуний натижаси сифа-тида сўнгги йилларда мамлакатимиз иқтисодиётининг ўсиш суръати бар-қарор хусусият касб этди. Биргина кейинги тўрт йилнинг ўзида йиллик ўсиш суръати 7 фоиздан ошгани ҳам бунинг ақлол исботидир.

Республикаимизда ялпи ички маҳ-сулот 1990 йилга нисбатан 1,3 баро-бар ошди. Ҳолбуки, Мустақил Дав-латлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари-

нинг аксариятида бу кўрсаткич ҳануз-гача ислохотлар бошланган даврдаги даражага ҳам етгани йўқ.

Шуниси муҳими, Ўзбекистон иқти-содиётининг барқарор ўсиш суръат-лари жаҳон бозорида нефть ва газ нархи ошиб бораётган бир шароитда қатор мамлакатларда кузатилаётган ҳолатдан тубдан фарқ қилади. Яъни, бизнинг иқтисодий ривожланишимиз экстенсив ўсиш ва фақат углеводо-род хомашёсини зўр бериб тўхтов-сиз қазиб олиш эвазига бўлаётгани йўқ. Аксинча, биз аниқ мақсадга қаратилган бозор ислохотларини, иқтисодиётда чуқур таркибий ўзга-ришларни амалга ошириш, тармоқ ва корхоналарни янгилаш, техник қайта жиҳозлаш, рақобатбардosh ва экспор-тга йўналтирилган янги ишлаб чиқа-риш корхоналарини ташкил этиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркор-лиқни ривожлантириш ҳисобидан иқтисодий тараққиётга эришмоқда-миз.

Шу ўринда мамлакатимиз иқтисо-диётининг жадал ўсиб бораётгани иқтисодиётнинг барча соҳа ва тар-моқларида чуқур иқтисодий ис-лохотларни амалга оширишга асо-сланганини яна бир бор таъкидлаб ўтмоқчиман. Ўтган йиллар давомида иқтисодиётни ислох қилишнинг ҳар бир босқичида устувор вазифаларни аниқ белгилашга алоҳида эътибор қаратилиб, уларни ҳал этиш учун зарур молиявий, моддий ва инсоний ресурслар жалб этилмоқда.

Иқтисодиётни янада эркинлаш-тириш, ҳўжалик юритувчи субъект-лар фаолияти эркинлигини ва иқти-содий мустақиллигини ошириш, кенг тармоқли бозор инфратузилмасини шакллантириш, давлатнинг назорат ва бошқарув ваколатини кескин камай-тириш, унинг корхоналар ҳўжалик фаолиятига аралашувини чеклаш, тадбиркорлик фаолиятини ривожлан-тириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш – буларнинг барчаси ислохот-ларни чуқурлаштиришнинг ҳал қилу-вчи йўналиши ҳисобланади.

Айниқса, иқтисодиётда чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш гоят муҳим аҳамият касб этади. Бунинг негизини маҳаллий хомашёни қайта ишлаш ва жаҳон бозоридagi кескин рақобатга бардosh бера оладиган маҳсулотлар тайёрлаш-га асосланган саноат тармоқларининг етакчи ўринга чиқishi ва хизмат кўрсатиш соҳаларининг тез суръат-лар билан ривожланиши ташкил қила-ди. Шунга таъкидлаш керакки, муста-қиллик йилларида ялпи ички маҳсу-лот таркибидa саноатнинг улуши 11 фоиздан 25 фоизга, хизмат кўрсатиш соҳаларининг улуши эса 18 фоиздан 42 фоизга ёки 2 баробардан зиёд ошди.

Бугунги кунда фаолият кўрсатаёт-ган корхоналарни жадал модерниз-ация қилиш ва техник қайта жиҳозлаш-ни таъминлаш, юксак технологиялар асосида ишлайдиган автомобилсозлик ва газ-кимё, электр техникаси ва тўқи-мачилик, озик-овқат ва фармацевти-ка, ахборот ва телекоммуникациялар тармоғи ҳамда бошқа йўналишларда-ги янги ва замонавий ишлаб чиқариш-ларни ташкил этишга қаратилган фаол инвестиция сиёсатини юритишга устувор аҳамият берилмоқда.

Хорижий ва маҳаллий сармоядор-лар учун қулай, ҳар томонлама имти-ёзли инвестиция муҳити яратилди. Натижада мустақил тараққиёт йилла-рида мамлакатимиз иқтисодиётига 100 миллиард доллардан ортик инвестиция жалб қилинди. Бунинг 25 миллиард доллардан зиёдини хорижий сармоядорларнинг маб-лағлари ташкил этади.

Солиқ юқини қамайтириш бора-сида ҳам изчил сиёсат олиб борил-моқда. Фақатгина 2000-2007 йиллар давомида даромад солиғи 38 фоиз-дан 10 фоизга, ягона ижтимоий тўлов 40 фоиздан 24 фоизга, кичик бизнес субъектлари ва қишлоқ ҳўжалиғи маҳ-сулотларини ишлаб чиқарувчилар учун ягона солиқ микдори эса 10 фоизга қамайтирилди. Шу билан бирга, жис-моний шахслар даромадининг солиқ ставкаси сезиларли даражада қисқар-тирилди. Шу тариқа кейинги 7 йил-нинг ўзида умумий солиқ юки 40 фоиздан 27 фоизга қамайтирилди.

Сўнгги йилларда қишлоқ ҳўжали-ғи соҳасида ҳам туб ўзгаришлар рўй берди. Ҳўжалик юритишнинг совет давридан қолган, ўзини оқламаган шаклларидан воз кечиб, уларнинг ўрнига бутун дунёда кенг жорий этил-ган хусусий фермер ҳўжалиқлари таш-кил этилди.

Бугунги кунда фермер ҳўжалиқла-ри том маънода қишлоқ ҳўжалиғи ишлаб чиқаришнинг асосий шакли-га, уни барқарор ва самарали ривож-лантирадиган ҳаракатлантирувчи куч-га, таъбир жоиз бўлса, бу йўналиш-нинг локомитивига айланди. Бу соҳа-да бозор инфратузилмаси амалда қайта тузилди, қишлоқ ҳўжалиғи иш-лаб чиқаришини ташкил этиш ва рағ-батлантириш сифат жиҳатидан янги тамойиллар асосига қўрилди.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда ял-пи ички маҳсулотнинг 76 фоизи, жумла-дан, саноат маҳсулотининг қарийб 80 фоизи, қишлоқ ҳўжалиғи маҳсулотла-ри ва чакана савдо айланмаси эса тўлиғича иқтисодиётнинг нодавлат сек-торида яратилмоқда. Юртимиздаги корхоналарнинг 90 фоизи хусусий ва

корпоратив мулк шаклига ўтган, улар-да жами иш билан банд аҳолининг 77 фоизи меҳнат қилмоқда.

Кичик ва хусусий бизнеснинг ялпи ички маҳсулот таркибидagi улу-ши 45 фоиздан ортиб бораётгани ва у мамлакатимиз иқтисодиётидаги етак-чи кўчга айланиб, бозорларимизни за-рур товар ва хизматлар билан тўлди-риш, аҳоли даромади ва фаровонли-гини оширишнинг асосий манбаи, одамларни иш билан таъминлаш бил-лан боғлиқ муаммоларни ҳал этиш-нинг муҳим омилга айлангани эъти-борга сазовордир.

Айни пайтда юртимизда транс-порт коммуникация тизимини рив-ожлантириш масаласига ҳам рес-публикаимиз жадал тараққий топти-ришнинг асосий шарти ва мезони сифатида катта аҳамият берилмоқда.

Сўнгги йилларда барпо этилган, умумий узунлиги 633 километри таш-кил қиладиган Навоий-Нукус, 223 километрлик Тошгузар-Бойсун-Қумк-ўрғон темир йўл магистраллари, Қамчиқ довини орқали ўтадиган тез-кор автомобиль йўлининг бу борада-ги ўрни ва аҳамияти қанчалик бекиёс эканини ҳаммамиз яхши англаймиз. Бу йўллар мамлакатимизнинг барча ҳудудларини ягона транспорт тармо-қига ишончли тарзда бирилаштириб, минтақаларимизда мавжуд бўлган бой минерал-хомашё ва табиий ресурсларни ўзлаштириш учун кенг имко-ниятлар яратди.

Ўтган даврда қўлга киритган салқимки ютук ва натижаларимиз халқимизнинг даромадлари ва фар-ровонлигини изчил равишда оши-риб боришни таъминлаш, кенг кўламли ижтимоий дастурларни муваффақиятли амалга ошириш имкони бериб.

Барчангизга маълумки, аҳоли иш ҳақи ва даромадларининг ўсиш суръ-ати энг муҳим кўрсаткичлардан бири ҳисобланади. Бу ҳақда гапирганда, аҳоли реал даромадларининг 2006 йилда 2000 йилга нисбатан 2,5, 1992 йилга нисбатан эса ўртача 12 баро-бар ошганини таъкидлаш лозим. Жорий йил охирига бориб республи-каимизда ўртача иш ҳақи микдорининг 200 доллар даражасига етиши қутил-моқда.

Биз ҳар уч йилда иш ҳақини 2-2,5 баробар оширишни ўз олдимишга му-ҳим стратегик вазифа қилиб қўйган-миз. Шу тариқа, аҳолининг харид қобилиятини ҳисобга олган ҳолда, биз яқин йиллар ичида халқ фаровонлиғи ва даромадларини таъминлаш бўйича юксак марраларга эришаётган мамла-катлар даражасига қўтарилишни ўз олдимишга мақсад қилиб қўйганмиз.

Бугунги кунда юртимизда замо-навий меҳнат бозори шаклланда – мустақиллик йилларида 5 миллион-дан ортик янги иш ўринлари ташкил этилди. Уларнинг 70 фоиздан зиёди саноат ва хизмат кўрсатиш соҳалари-га тўғри келади.

Айниқса, шахар ва қишлоқларда биринчи навбатда хотин-қизларни иш билан таъминлаш имкони беради-ган, йирик саноат корхоналари билан кооперация асосида ташкил этилади-ган касаначилик жадал ривожлана бошлаганини таъкидлаш лозим.

Биз учун муҳим ижтимоий аҳамият-га эга бўлган аҳолини иш билан таъ-минлаш билан боғлиқ муаммоларга катта эътибор қаратиб, бу борада аниқ мақсадга йўналтирилган ишларни из-чил амалга ошираётганимиз мавжуд аҳволни тубдан ўзгартириш учун им-кон яратди. 2006 йилда ишсизлик даражаси 5,3 фоизгача қамайгани ҳам шундан далолат беради.

Мамлакатимиз аҳолиси, аввало қишлоқ жойлардаги одамларнинг турмуш шароити изчил тарзда ях-шиланмоқда. Истиқлол йилларида 36 минг километрлик сув қувурлари, 72 минг километрлик газ тармоқлари ишга туширилди. Бу 1991 йилга қадар эришилган натижаларга нисбатан тегишли равишда 2 ва 4 баробар кўл демокдир.

Натижада аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш бугунги кунда 84 фоизни, жумладан, қишлоқ жойларда 77 фоизни, табиий газ билан таъмин-лаш 82 фоизни, қишлоқ жойларда эса 78 фоизни ташкил этмоқда.

Халқимиз турмуш шароитини яхши-лашга доир чора-тадбирлар тизимида соғлиқни сақлаш ва аҳоли сало-матлигини муҳофаза қилиш алоҳи-да ўрин тутшини ҳаммамиз яхши тушунамиз.

Ўтган йиллар мобайнида Ўзбекис-тонда табиий хизмат кўрсатиш тизи-ми амалда тўлиқ қайта қўриб чиқил-ди. Ҳозирги вақтда бу борадаги исло-хотларнинг асосий босқичларидан бири ниҳоясига етмоқда. Аҳолига бепул шифолиш ва юқори малакали табиий ёрдам кўрсатиш учун энг юкс-ак талабаларга жавоб берадиган их-тисослаштирилган шифохона ва бўлимлар тармоғининг ташкил этили-ши бу босқичнинг энг муҳим ва конк-рет натижаси бўлганини қайд этиш зарур. Махсус ташкил этилган респу-блика маркази бу тизимга раҳбарлик-ни ва унинг фаолиятини мувофиқлаш-тиришни таъминламоқда.

Соғлиқни сақлашнинг бирламчи бўлинида, айниқса, қишлоқ жойларда жиддий ўзгаришлар рўй берди. Са-марасиз ишлаётган фельдшерлик-аку-шерлик пунктлари ва қишлоқ амбу-латориялари ўрнида замонавий диаг-

ностика ва даволаш ускуналари бил-лан жиҳозланган 3 мингдан зиёд қишлоқ врачлик пункти ташкил этил-гани бу соҳадаги катта қадам бўлди, десак, тўғри бўлади.

Тарихини унутган халқ
келажагини ўқотади

БИР ҲОВУЧ ПАХТА ЖАЗОСИ

Ўз тарихини билмаган инсонни манкуртга менгзадилар. Республикаларимиз мустақилликка

эришгач, тарихимизни ҳаққоний ёритиш учун кенг йўл очилди.

Мен ёш тадқиқотчи олим сифатида мустақиллик тузумининг сурунли давр курбонлари ҳақида олиб бораётган илмий изланишларим давомида нафақат зиёли инсонларнинг, балки оддий деҳқонлар ва руҳонийларнинг ҳам қатл этилганини, арзимаган баҳоналар билан қатл қилинганни ўргандим. Шўролар ҳукуматида қарши оддий камбағал деҳқонлар ҳам курашганларининг гувоҳи бўлдим.

Бу муаммони ўрганишда биринчи навбатда Марказий давлат архиви материаллари, сўнги адабиётлар, шу билан бирга жойларда ўша даврнинг зулмини кўрган қарияларнинг маълумотлари асос бўлди. Илмий ишни уч даврга бўлиб ўргандим. Биринчи давр – 1925-30-йиллар совет ҳукуматида қарши курашган истиқлолчиларнинг қатогон қилиниши, иккинчи давр – 1930-35-йиллар коллективлаштиришга қарши бўлган деҳқонларнинг, маънавият учун курашган руҳонийларнинг қатогон қилиниши, сўнг – 1935-40-йиллар – қатогонлар энг авжига чиққан давр. Бу даврда юртимизнинг зиёлилари, давлат арбобларидан бошлаб оддий хизматчи ва ишчиларгача қатогон

қилинган. Шу ўринда архив ҳужжатларидан бир мисол келтириш мумкин. 1931 йил 20 ноябрда қишлоқни текшираётган комиссия аъзолари Худойназар Абдурахмонов хонадонига кирганда тандирга ташланган ва ёнаётган пахта тупи топишди. Х. Абдурахмонов ҳукумат иқтисодига зарар етказгани учун «халқ душмани» сифатида отишга ҳукм қилинади. Арзномада ёзилишича, бу пахта тупи аёли бели оғриб ётгани учун қизи уйига олиб келган ва комиссия келишидан олдин кўриб, дугонаси билан тандирда ёқишган. Олий суд раиси Абдурахмонов қарши бир ҳовуч пахта ёқилган бўлса ҳам жазони ўз кучида қолдиради. Мавзунини ўрганиб чиқарканман, қатогон қилинганларнинг номини имкон қадар оқлашга ҳаракат қилдим.

Зеро, биз мустақилликка шу курбонлар ва халқимизнинг юксак бардоши орқали эришдик. Бугун биз унинг бир қиррасинигина ёритишга ҳаракат қилдик. Демак, порлоқ халқимиз яратиб ўнгиш учун ўтмишимизни ўрганиш ҳаммамиз учун ҳам фарз, ҳам қарзидир.

Азамат ИШИМОВ,
тадқиқотчи.

"БИЗ — ИСТИҚЛОЛ
ФАРЗАНДЛАРИМИЗ!"

Пойтахтимизда Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси ташаббуси билан Мустақилликнинг 16 йиллигига бағишлаб "Биз — Истиқлол фарзандларимиз!" мавзусидаги учрашув бўлиб ўтди.

Унга жойлардаги хотин-қизлар кўмиталари фаоллари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар, талаба-ёшлар таклиф этилди.

Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар кўмитаси раиси ўринбосари Г. Маърупова, Ўзбекистон халқ шоири, "Саодат" журнали бош муҳаррири О. Хожиева ва бошқалар Президентимиз Исроҳим Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда хотин-қизларнинг давлат ва жамият ҳаётидаги мавқеини юксалтириш, уларнинг фаоллигини ошириш, қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш давлатимиз сиёсатининг муҳим йўналишларидан эди белгиланганини таъкидладилар.

Давлатимиз раҳбарининг 2004 йил 25 майда қабул қилинган "Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш бора-сидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармони бу борадаги ишларни янада жонлантиришда муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда. Ушбу ҳужжатга кўра, хотин-қизларни ижтимоий-ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, оила, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, аёлларнинг касбий, жисмоний, маънавий ва интеллектуал савиясини юксалтиришга оид ишлар кўламини янада кенгайтиди.

Президентимиз ташаббуси билан Зулфия номидаги Давлат мукофотининг таъсис этилиши истеъдодли қизларни ҳар томонлама рағбатлантириш, уларнинг ўз иқтидори ва қобилиятини намоён этиши учун зарур барча шароитларни яратишда муҳим омил бўлмоқда.

Ў.А.

Футбол

Олий табақа

ДУРАНГЛАРГА
БОЙ ТУР

Футбол бўйича мамлакат чемпионати иштирокчилари 18-тур учрашувларини ўтказдилар. 8 учрашувнинг 4 тасида дуранг натижалар кайд этилди. Жумладан, «Металлург» ўз майдонида Самарканднинг «Динамо» жамоасини қабул қилди. Уйнинг биринчи бўлими тенг курашлар остида ўтди, аммо дарвозалар дахлсизлиги сақланиб қолди. Танафусдан сўнг меҳмонлар 64-дақиқада майдон эгалари дарвозасини ишғол этиб, ҳисобда олдинга чиқиб олдилар. 84-дақиқада эса, Марат Ахмедов ҳисобни тенглаштириб, ўз жамоасини мағлубиятдан сақлаб қолди.

Қарши шаҳрида «Насаф» — «Курвчи» учрашувида ҳам биринчи бўлиб меҳмонлар ҳисобни очдилар. Учрашув сўнггида майдон эгалари жавоб тўпини киритиб, ҳисобни тенглаштирдилар. «Вобкент» — «Бухоро» учрашувида ҳам 1:1 ҳисоби кайд этилди. Тошкентда «Локомотив» — «Навбахор» учрашувида дарвозалар дахлсизлиги сақланиб қолди.

Турнинг марказий учрашуви Фарғонада «Нефчи» — «Пахтакор» жамоалари ўртасида бўлиб ўтди. Биринчи даврда «Пахтакор» 4:0 ҳисобида зафар қучган эди. Бу сафар пахтакорчилар рақиблар дарвозасини уч бор ишғол этиб, ўз дарвозалари дахлсизлигини сақлаб қолдилар. Бу ғалабадан сўнг «Пахтакор» чемпионатда карвонбошлик қилмоқда.

Турнинг бошқа учрашувларида қуйидаги натижалар кайд этилди: «Андижон» — «Дўстлик» 4:1, «Трактор» — «Қизилқум» 2:1, «Шўртан» — «Машъал» 2:3. Навбатдаги учрашувлар 19 сентябрда бўлиб ўтади. «Металлург» — «Қизилқум»га қарши баҳс юритади.

Биринчи табақа

ПЕШҚАДАМЛАР БАҲСИ

Чемпионатда қатнашаётган жамоалар 24. 25-тур учрашувларини ўтказдилар.

«Кимёгар» жамоаси 24-турда «Оқтепа»ни қабул қилди. Учрашувнинг сўнги дақиқасида Собир Жўраевнинг киритган тўпи «Кимёгар»га ғалаба келтирди. «ОТМК» эса «Зарафшон»ни 4:0 ҳисобида мағлуб этди.

25-турда «ОТМК» «Ромитан»нинг чемпионатдан четлатилганига сабабли техник ғалабага эга бўлди. Жамоа 37 очко билан 11-ўринда турибди.

«Кимёгар» «Сўғдиёна»ни қабул қилиб, уйини йирик ҳисобда бой бериб қўйди. «Сўғдиёна»нинг 4 тўпи «Кимёгар» 2 тўп билан жавоб қайтарди.

Каттақўрғоннинг «Динамо» жамоаси «НБУ-Осиё» устидан ғалаба қозониб, 45 очкога эга бўлди ва «Кимёгар»нинг ўрнини эгаллади. «Кимёгар» 44 очко билан 4-ўринга тушди.

26-тур учрашувлари 6 сентябрда бўлиб ўтади. «Кимёгар» Андижонда майдон эгаларига қарши баҳс юритади. «ОТМК» эса «НБУ-Осиё»га қарши майдонга тушади.

Талъат ЮСУПОВ.

ТАСВИРИЙ ВА АМАЛИЙ САНЪАТ КЎРГАЗМАСИ

Ўзбекистон маданият ва санъат кўргазмаси залида Ватанимиз Истиқлолнинг 16 йиллигига бағишлаб тасвирий ва амалий санъат кўргазмаси ташкил этилди.

Унинг очилишида таъкидланганидек, Президентимиз Исроҳим Каримов раҳнамолигида истиқлол йилларида миллий тасвирий ва амалий санъатимизни янада ривожлантириш, бу соҳада замон талабига мос

бадий таълим тизимини барпо этиш, санъатимизнинг ўшбу йўналишдаги нодир дурдоналарни кўз қорачиқидек асраб-авайлаш, ижодкорларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш борасида кенг қўламли

ишлар амалга ошириляптир. Санъат йўналишидаги таълим даргоҳлари, кўргазма заллари, галереялар, музейларнинг барпо этилиб, мўйқалам соҳибларининг турли халқаро кўргазма ва фестивалларда муваффақиятли қатнашаётгани бунинг ёрқин намунаси.

Ушбу кўргазмада таниқли rassomлар, уста-хунармандлар

билан бирга тасвирий санъат соҳасига энди кириб келаётган ёш мусавирларнинг ижод намуналари билан танишиш мумкин. Уларда табиат манзаралари, меъморий обидалар, миллий қадриятларимиз, халқимизнинг тинч ва осуда ҳаёти ёрқин бўёқларда акс эттирилган.

Назозат УСМОНОВА,
ЎзА мухбири.

Рассом хангаси



Шавкат МУЗАФФАР чизган расм.

Тошкент педагогика билим юрти томонидан 1987 йил 30 июнда Халикова Равия Анарбаевна номига берилган КТ № 909528 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

ДП "NINA-Tashkent" Мирзо Улугбекского района г. Ташкента, (ОКПО 1577803, ИНН 201352370) объявляет об уменьшении уставного фонда с 700 000 долларов США до 622 467,30 долларов США.

Все претензии принимаются в течение одного месяца со дня публикации по следующему адресу: г. Ташкент, Мирзо Улугбекский район, ул. Измайлова, 23в. Телефон: 152-68-83.

Нурали
АБДУРАСУЛОВ.



раинада ўққа учиб, ҳалок бўлган. Ёлғизлик жафосини ўшанда кўрганман. Қишлоқ тугул еру кўкка сиймайсан. Осмон узок, ер қаттиқ. Шундай кунда маҳалла-қўй кўнингга жаркан. Бир-икки қария аҳолимини кўриб, бош қўшиб, мана шу момонга уйлантириб қўйишганда, ўшанда. Сақизта ўғил-қиз кўрдик. Невара-чеварларимиз бир этак. Узимиз йиғилсак, бир овул

1941 йилнинг кузида Саричўкки билан Обиздан ўзга қишлоқни билмаган тоғнинг бўз боласи Абдуқодир фронтга йўл олиб, Европа давлатларини қадам-бақадан уруш билан босиб ўтди. Яраланди, яна ханга кирди. Урушда бошдан оёқ қатнашиб ғалабани Германияда қутиб олди...

Қишлоқда ҳам аҳвол яхши эмасди. Лекин бу жой ўз еринг, киндик қонинг тўқилган мас-

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис:
ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир
Убайдулла
АБДУШОҲИДОВ

Телефонлар:
Хатлар ва оммавий
ишлар бўлими:
136-55-54.
Эълонлар: 133-90-82,
136-53-54.

Манзилимиз:
700000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар
кўчаси, 32.

Тошкент вилояти
Матбуот ва ахборот бошқармасида
03-001 рақами билан рўйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти
компьютер марказида терилди ва
саҳифаланди.

• Эълон ва билди-
рувлардаги факт
ҳамда далилларнинг
тўғрилиги учун рек-
лама ва эълон бер-
увчилар масъулдир.